O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№


# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 8-noyabr • № 46 (3679)


## ҒОЛИБЛАР БИЗДАН ЧИҚАДИ





— Сенга ҳавасим келади, — дейди отам ҳар гал чет эл сафаридан қайтганимда. — Йигирма ёшингда дунёни кўриб улгурдинг. Шўролар даврида ўзбек қизи учун жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашиш орзу эди. Ҳозир эса... Бугун Тошкентда бўлсанг, эртага Нью-Йоркда, индинга Сиднейдасан...

Отамнинг ҳавас қилганича бор. Ростдан ҳам, мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга катта эътибор берила бошланди. Спортчиларимиз Жаҳон ва Осиё миқёсидаги мусобақаларда эришаётган ютуқлар ҳам шунга яраша бўляпти. Бундан ўн йиллар олдин Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтган Осиё ўйинларида Ўзбекистон алоҳида жамоа сифатида иштирок этиб, элликка яқин давлат ўртасида умумжамоа ҳисобида фахрли бешинчи ўринни эгаллайди деса, биров ишонармиди. Йўқ, албатта. Аммо юртимиз спортчиларининг сўнгги Осиё ўйинларида Япония, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар спортчилари билан тенгма-тенг курашгани, айрим турларда улардан ўзиб кетгани ҳақиқат.

Бундан ташқари, жаҳон спортчиларининг энг йирик мусобақаси — Олимпиада ўйинларида ҳам спортчиларимиз ўзларини кўрсатишди. Юртимиз спортчилари учун дастлабки йирик мусобақа — Лилихамерда ўтказилган Олимпиададаёқ Лилия Черязова олтин медал олиб, Ўзбекистон номини дунёга танитди.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан келаётгани, иқтидорли спортчилар ўз-ўзидан пайдо бўлаётгани йўқ, албатта. Юртимизда спортнинг барча турларини ривожлантиришга имкониятлар етарли. Айниқса, сўнгги йилларда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилаётган мусобақалар — «Умид ғунчалари», «Баркамол авлод», «Универсиада» турнирлари спортимизнинг яна бир қадам олға силжишига замин яратди. Сўнгги Осиё ўйинларида ғолиб чиққан кўплаб спортчилар худди шу мусобақаларда тобланган йигит-қизлар эканлиги янада қувончли.

Яқинда мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш соҳасида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Президентимиз Ислом Каримов Фармонига биноан Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди. Бундан кўзланган мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний ва маънавий саломатлигини таъминлаш, улар онгида спортга, соғлом турмуш тарзига меҳр-муҳаббат уйғотишдир. Юртимизнинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида жамғарманинг бўлимлари фаолият кўрсатади. Бу дегани, энг чеккадаги худудлар ҳам эътибордан четда қолмайди. Узоқ-узоқ қишлоқларда ҳам спорт иншоатлари — стадионлар, волейбол, баскетбол майдонлари, теннис кортлари қурилиб, фарзандларимиз ихтиёрига бериб қўйилади. Юртбошимиз республика даражасида Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг раиси, вилоятлар ҳокимлари минтақавий филиаллар кенгашлари раиси эканлиги жамғарма фаолияти доимо диққат-эътиборда бўлишини англатади. Демак, спортимиз бундан буён ҳам ривожланаверади, Ўзбекистондан Олимпиада, Жаҳон, Осиё ўйинлари ғолиблари етишиб чиқаверади. Бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ.

**Ирода ТЎЛАГАНОВА,**
**теннис бўйича Осиё ўйинлари чемпиони**

## САМИМИЙЛИК — МУЛОҚОТНИНГ ЖОНИ



***Суҳбатдошимиз — «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, санъатшунослик фанлари номзоди Омонулла РИЗАЕВ.***

**— Омонулла Зуфарович, «Ўзбектеатр» бирлашмасига бош директор этиб тайинланганингизга ҳали кўп бўлгани йўқ. Айтинг-чи, бу вазифа сизни чўчитмадими?**

—Ишга киришар эканман, қизиқ ҳолатга тушдим. Бу — ҳам бироз ҳадик, ҳам ҳаяжон, ҳам масъулият ҳисси бўлди. Чунки «Ўзбектеатр» — ижодий ишлаб-чиқариш бирлашма. Яъни ҳам ижод қилиш, ҳам ишлаб чиқариш билан шуғулланиш керак. Биргина театрнинг ўзи бир дунё. Қирққа яқин профессионал театр ижодкорларининг ҳар бири ўзига хос санъаткор. Уларни қандай қилиб жипслаштириш мумкин? Менда шунга яраша куч-ғайрат, имконият, ирода, билим етарлими? Мени қийнаган, чўчитган саволлар мана шулар эди. Лекин бир шиорим бор: фақат олдинга интилиш. Аввало, ижодий гуруҳлар, жамоалар мени яхши кутиб олишди. Атрофимда бир гуруҳ ёшлар йиғилишди, ижодий муҳитнинг шаклланишига замин пайдо бўлди.

Бизнинг бугунги асосий мақсадимиз республикамизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларга имкониятимиз даражасида ҳисса қўшиш. Мен одамлар билан муносабатдан, ишдан чўчимайман. Чунки муносабатинг холис, хайрли бўлса, сен билан тезда мулоқотга киришишади. Самимийлик мулоқотдаги энг яхши воситадир.

**— Бирлашма қошида «Ёш артист» ижодкор ёшлар марказини ташкил этибсизлар. Бу фикр қандай туғилди?**

— Санъат институтида ишлаганимда юртимиз қобилиятли, иқтидорли ёшларга бойлигини ўз кўзим билан кўрдим. Айниқса, бу ҳол қабул имтиҳонлари пайтида яққол кўзга ташланди. Афсуски, ҳаммани ўқишга қабул қилишнинг имкони йўқ. Ана шу ерда марказни ташкил этиш фикри пайдо бўлди. Бундан икки йил олдин Ўзбекистон театрларининг «Мустақиллик тимсоли» номли республика телевизион кўрик-танлови эълон қилинганди. Биз кўрик-танловда қатнашишни жуда хоҳладик. Натижада янги, оригинал асар ёзиш ва саҳналаштириш эҳтиёжи туғилди. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорлик шартномасини туздик ва «Хазон бўлган умр» спектаклини саҳналаштирдик. Асарни Санъат институти талабаларининг ўзлари ёзишди ва ролларни ҳам ўзлари ижро этишди. Ёшлар билан кўп ишлар қилиш мумкинлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Кези келганда, талабаларнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган академия ректори Алишер Азизхўжаевнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

**Давоми иккинчи бетда**



## ТАМИЛАНИ ТАН ОЛИШДИ

Италиянинг Агрополи шаҳрида ўтган Халқаро пианиночилар танловида ўзбекистонлик ёшлар катта муваффақиятни қўлга киритдилар.

Йигирма ёшгача бўлган қатнашчилар орасида Успенский номидаги мусиқа мактаб-интернатининг ўқувчиси Тамила Салимжонова (устози — Т.Попович) I даражали «Тито — Апреа» совринига сазовор бўлди. Унинг мактабдоши Самара Темурова (устози — Д.Хўжаева) иккинчи ўринни эгаллади. Катталар гуруҳида қатнашган Гўзал Тагиева (устози — О.Юсупова) учинчи ўринни олди.

«Ле — Музе» мусиқачилар ассоциацияси ўтказган мазкур халқаро танловда Япония, Франция, Испания, Россия, Италия каби кўплаб давлатлардан қирққа яқин ёш истеъдодлар қатнашдилар.

**М. КАРИМОВА**

**Суратда: Т. Салимжонова машҳур дирижёр Фридерико Волпе билан.**

## ҒАЙРАТИЙ МАКТАБИ

*Мангу лаҳза*

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан душман собиқ советлар мамлакатининг кўпгина шаҳарларини эгаллаб, Москва остонасига қадар кириб келди. Украина, Белорусия каби республикалар, Москва, Ленинград каби шаҳарлардан ўнминглаб кишилар Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. Шундай кишилардан бири оиласи билан Ғайратий хонадонининг ярмини эгаллади. Ўзини катта оға деб ҳисоблаган бу зот хонадон соҳибини назар-писанд қилмай, ўз ҳукмини беорларча ўтказа бошлади. Орада баланд-паст гаплар бўлиб ўтди. Ўзбекнинг ҳурматли шоирларидан ҳисобланган ва ҳатто собиқ иттифоққа танилган Ғайратий шаллақи «меҳмон»нинг саъй-ҳаракатлари билан миллатчи сифатида қамалди.

Орадан бирмунча муддат ўтиб, казо-казоларнинг аралашуви билан шоир озодликка эришди. Лекин унинг манглайига босилган «миллатчи» тамғаси 60-йилларга қадар ундан аримади. Асарлари босилмади, адабиёт оламига яқин бирорта идора уни ишга олмади. Шундан кейин у Тошкентнинг Ўнқўрғон қишлоғига кўчиб бориб, ўша ердаги мактабда адабиётдан дарс берди. 50-йилларнинг бошларида эса кимнингдир илтифоти билан Тошкент шаҳрининг Лабзак кўчасида жойлашган Пионерлар саройидаги адабиёт тўгарагига раҳбар сифатида таклиф этилди.

Абдураҳим Абдуллаев (Ғайратий) Тошкент шаҳрининг Дегрез маҳалласида туғилган. Ёш чоғида онаси вафот этгач, қўшни маҳалладаги Ойимхон исмли аёл уни ўз тарбиясига олган. Абдураҳим бу фозила ва мактабдор отин аёл қўлида ўқиш-ёзишни ўрганди. 1914 йили эса, шу маҳалладаги мадрасага ўқишга борди. Мадрасада араб, форс тилларини, мумтоз Шарқ адабиётини яхши билган мударрислардан сабоқ олиб, шу қутлуғ масканда адабиётга ҳою ҳавас туйди. Орадан кўп ўтмай, у маҳалладоши Зиё Саид орқали унинг Маннон Уйғур, Хуршид, Зариф Баширий сингари дўстлари билан танишди, уларнинг нафис мажлисларида иштирок этиб, ўзидаги адабиётга ҳаваснинг аланга олишига эришди.

Бўлажак шоирнинг отаси ўқимишли киши бўлгани учун Хислат, Камий сингари жадид шоирлар билан даврадош эди. Унинг уйида бўлиб ўтган шеърхонликларнинг бирида Хислат эшон ёш Абдураҳимнинг шеърларини эшитиб, ундаги шеъриятга ғайрат ва ихлосни кўриб, унга Ғайратий деган тахаллус берди. Шу тарзда ўзбек адабиёти осмонида Ғайратий деган митти юлдуз пайдо бўлди.

Уста Абдулла назарида, ижод кўчасига кирган кишиларнинг косаси камдан-кам оқарган эди. Шунинг учун ҳам у ўғлига: «Шоир бўламан, деб овора бўлма. Шоир киши дунёдан хор-зор бўлиб ўтади», дер ва бу сўзини бир талай мисоллар билан асослар эди. Лекин Абдураҳим — Ғайратий шеър ёзишда давом этаверди.

Агар у бошқа даврда яшаганида ундан кўпгина ўлмас асарлар қолган бўлармиди. Лекин замон уни турли кўйга солиб, Муқимий сингари ғариб, Фурқат сингари сарсону саргардон қилди.

50-йилларнинг бошларида Ғайратий раҳбарлик қилган адабиёт тўгарагига бир гуруҳ ўқувчилар кириб келдилар. Ғайратий VI — VII синф ўқувчиларини мумтоз ўзбек, форс, озарбойжон шоирлари асарларидаги бадиий латофатни ҳис этишга ўргатмоқчи бўлди. Минглаб байтларни ёд ўқиб, уларни мумтоз Шарқ шеъриятининг сеҳрли оламига олиб киришга уринди. У ўзи бой берган хазинадан ёшларнинг баҳраманд бўлишларини астойдил истади. Бугун биз бу тўгаракдан адабиёт алифбосини ўрганиб чиққан кишилар номини тилга олсак, улар бутун бир авлодни ташкил этади: Хайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Анвар Эшонов, Сайёр, Тўлқин, Анвар Исроилов, Анвар Юсупов, Тамилла Қосимова, Матлуба Исломова. Бу рўйхатнинг бошида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов туради.



*Устоз билан шогирд: Ғайратий ва Эркин Воҳидов.*

Ғайратий бу шоир ва ёзувчилар Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Фузулий номларини ҳали эшитмаган пайтларида уларнинг луғатсиз тушуниш маҳол бўлган асарларини ўқирди. «Чуқурроқ ўйласам, шоир Ғайратий, — деб ёзади Эркин Воҳидов, — катта педагог ҳам экан. Биз ўша вақтда буюк Шарқ алломаларининг нозик бадиий образларини тушуниб етмаган бўлсак ҳам, мурғак хаёлимизга сеҳрли шеъриятнинг шуъласи тушган экан. Ақлимиз билан англамасак ҳам шууримиз билан шундай юксак, самовий, мўъжизавий шеърият оламда борлигини сезган эканмиз».

Шу кеча-кундузда 100 йиллиги нишонланаётган шоирдан бизга бир қанча шеър, достон, ҳикоя ва қиссалар мерос бўлиб қолган. Аммо ундан қолган энг катта бойлик — Ғайратий мактабининг собиқ талабалари.

**Наим КАРИМОВ**

## ЁШЛАР ТЕАТРИГА ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

Шу йил май — июн ойларида Москвада И. Смоктуновский номидаги регионал хайрия ижтимоий фондининг ўн йиллигига бағишланган «Аср ёшлари» Москва халқаро телевизион-театрлари фестивали бўлган эди. Мазкур фестивалда МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари театрлари ўз спектакллари билан қатнашдилар. Фестивалда Ўзбекистон ёшлар театри ҳам «Садўм ва Ғамўрра» спектаклини намойиш этди. Асар марказида глобал муаммога айланиб улгурган наркомания масаласи туради. Ёшлар қалбини тез ром қилиш хавфини туғдираётган гиёҳвандликни даф этиш, XXI аср ёшларининг бундай иллатлардан халос бўлишига эришиш масалалари асар моҳиятини ташкил қилади.

Куни кеча Ўзбекистон ёшлар театрида Москвадан келган ҳайъат вакиллари фестивал якунлари ва унинг натижаларини маълум қилдилар. Ўзбекистон ёшлар театрининг фестивалдаги иштироки юқори баҳоланиб, театр раҳбари Наби Абдураҳмоновга фестивалнинг фахрий ёрлиғи топширилди.

Маросимда Россиянинг Ўзбекистондаги элчиси Дмитрий Юриков, Белорус республикасининг элчиси Николай Демчук ва бошқа меҳмонлар иштирок этдилар.

**Б. МАМАДИЕВ**

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

«Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси томонидан шу йилнинг бошларида «Бугунги кун қаҳрамони» мавзуида адабий сценарийлар танлови эълон қилинган эди.

Танловга олтмишдан ортиқ сценарий тақдим этилди. Ёзувчи Муродбой Низоновнинг «Танка» адабий сценарийси ҳаётга яқинлиги, жонлилиги, манзараларга бойлиги билан эътиборни тортди. Унда қорақалпоқ халқининг ўзига хос миллий хусусиятлари моҳирона очиб берилган, воқеалар ривожи динамик ҳаракатда кўрсатилган.

Танлов ҳайъати М.Низомов асарига иккинчи мукофот беришга қарор қилди. Биринчи ва учинчи мукофотлар эса берилмади.

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Пойтахтимиздаги 274-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг кенгаши бўлди. Унда «Янги педагогик технологиялар — амалда» мавзуидаги маърузалар тингланиб, очиқ дарслар кузатилди. Кенгаш ишида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг биринчи вице-президенти Одил Ёқубов ва Республика атамашунослик қўмитаси раиси ўринбосари Ҳабибулла Бектемиров ўқитувчи ва ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Драма тўгараги аъзолари томонидан О.Ёқубовнинг «Бир кошона сирлари», «Улуғбек хазинаси» асарларидан саҳналаштирилган кўринишлар йиғилганларга манзур бўлди.

**М. ВАЛИЕВА**

Машҳур созанда, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Алиматовнинг миллий мусиқамиз ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Бу бетакрор созанданинг танбур, дутор, сато каби миллий созларимизда ижро этган куйлари фақат республикамиз санъат шинавандаларинигина эмас, Англия, Америка, Голландия, Франция каби мамлакатлар тингловчиларини ҳам мафтун этди.

31 октябр куни Ўзбекистон Давлат консерваториясининг муҳташам залига йиғилганлар Турғун Алиматовнинг беқиёс маҳоратига яна бир бор қойил қолдилар. Кекса санъаткор шогирдлари жўрлигида мумтоз куйларимизни маромига етказиб ижро этди. Устознинг шогирдлари Маҳмуд Тожибоев, Замира Суюнова, Коммуна Олимова, Рифатилла Қосимов раҳбарлигидаги созандалар ва бошқа санъаткорларнинг ижролари мухлисларни ром этди. Машҳур санъаткорлар Ориф Алимахсумов ва Очилхон Отахонов Турғун Алиматовни самимий қутладилар.

* * *

1 ноябр куни "Мусиқа саройи"да яна мумтоз куйлар янгради. Мухлислар ўзбек мумтоз мусиқасининг истеъдодли намояндаси Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиеванинг янги концерт дастурини мароқ билан тингладилар.

* * *

2 ноябр куни консерваторияда буюк немис композитори Людвинг ван Бетховен хотирасига бағишланган "Прометей" фестивали очилди. Концерт бошланишида консерватория проректори Д.Муродова улуғ композиторнинг ижоди ҳақида маъруза қилди. Ўзбекистон санъат арбоби, дирижёр Анвар Эргашев раҳбарлигидаги Ўзбекистон миллий оркестри Бетховеннинг еттинчи симфониясини ижро этди.

Бетховеннинг скрипка ва оркестр учун концерти янгради. Скрипкачи Елена Чернованинг ижро маҳорати ҳам мухлисларга манзур бўлди.

**С. ЖЎРАБЕКОВА**

## РАМАЗОН — ОМОНЛИК ОЙИ



**Келди қутлуғ рамазон ой — ҳамма ибодат айлагай,**
**Мўмин-мусулмонман деган савобни одат айлагай.**

**Рўзадорлик бизга азал Тангрининг бир фарзи экан,**
**Нияти соф бандасига Ўзи шафоат айлагай.**

**Рўза асли барча нафсдан буткул ғолиб бўлганга ёр,**
**Кимда иймон саломат, у — сабру қаноат айлагай.**

**Бу — ибодат ойидирким, бу — ҳам ижобатлар ойи,**
**Неки сўрсак сидқидилдан Оллоҳ ижобат айлагай.**

**Рўза пок этмиш вужудни, руҳни бақувват айламиш,**
**Ким сиҳатлик истаса гар унга садоқат айлагай.**

**Гулчеҳра, сен айла шукур, етдинг улуғ кунларга ҳам,**
**Ҳар ибодат икки дунё сенга саодат айлагай.**

**Гулчеҳра ХЎЖАНОВА**

## *Ёзувчилар уюшмасида*

Кеча Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ шоири Ғайратий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлди. Уни Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, шоир Сирожиддин Саййид очди.

Анжуманда таниқли шоир-ёзувчилар, олимлар, Олий Адабиёт курси тингловчилари, адабиёт мухлислари иштирок этишди. Ўзбекистон халқ шоирлари Шукрулло, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом сўзга чиқишиб, шоирнинг ижоди хусусида гапирдилар, хотираларидан сўзлаб бердилар.

Кечани таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов олиб борди.

Ёзувчилар уюшмасининг драматургия кенгашида драматург Тўлқин Муҳиддиннинг «Шамчироқ» драмаси муҳокама қилинди. Муҳокамани кенгаш раиси Эркин Самандар бошқарди.

Унда драматурглар Ҳусниддин Шарипов, Ҳафиз Абдусаматов, Ҳайдар Муҳаммад, Машраб Бобоев, Санжарали Имомов, Ҳайитмат Расул, Жўра Маҳмудлар сўзга чиқишиб, асарнинг ютуқ ва камчиликлари хусусида фикр-мулоҳаза юритдилар.

Муҳокамада асар мавзуи замонавийлиги таъкидланди, унинг айрим ўринлари қайта ишлашга тавсия этилди.

